



## О'zbekiston respublikasi vazirlar mahnamasining qarori

20 24 yil « 26» dekabr

№ 885

Toshkent sh.

### Ўзбекистон Республикасида электрон тижорат соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Электрон тижорат соҳасини янада ривожлантириш, замонавий логистика инфратузилмасига эга миллий электрон тижорат маконини шакллантириш, бозор иштирокчиларининг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари хуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган хуқуқбузарликларга қарши қурашиши қучайтириш чоралари тўғрисида” 2023 йил 30 ноябрдаги ПҚ-381-сон қарори билан Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) электрон тижоратни тартибга солиш ва ривожлантириш соҳасида ваколатли орган этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақамли технологияларни ривожлантириш вазирлигининг:

электрон тижорат операторлари (электрон савдо платформаси, буюртмалар агрегатори ва рақамли стриминг хизмати операторлари) сифатида фақат юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари фаолият юритиши мумкинлиги;

электрон шартнома ёки битимлар орқали ҳеч қандай мажбуриятлар олмайдиган, фойдаланувчиларга ўзининг ахборот ресурси ёки платформаси орқали товар (иш, хизмат) ҳамда рақамли маҳсулотлар ҳақида маълумот ёки ахборот бериш билан чекланадиган юридик шахс ва (ёки) якка тартиbdаги тадбиркор электрон тижорат оператори ҳисобланмаслиги ҳақидаги таклифлари маъкуллансин.

3. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қуйидагиларни назарда тутган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси “Электрон тижорат тўғрисида”ги ва “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонунлари ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

электрон тижорат тўғрисидаги қонунчиликка 1-иловага мувофиқ янги тушунча ва атамаларни киритиш;

**2025 йил 1 июлдан бошлаб** электрон тижорат операторлари фаолиятини амалга ошириши учун хабардор қилиш тартибини жорий қилиш, 2-иловага мувофиқ талаблар ва шартларни киритиш, электрон тижорат субъектлари реестрини юритиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Автотранспорт воситалари бошқарувида ва йўналиши такси фаолиятини амалга оширишда қўшимча қулайликлар яратиш тўғрисида” 2022 йил 7 июлдаги ПҚ-311-сон қарорининг 5-бандида назарда тутилган тартибни такомиллаштириш ҳамда унинг амал қилиш муддатини узайтириш бўйича тегишли норматив-хукуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, истисно тариқасида, ушбу тартибнинг амал қилиши 2024 йил 31 декабрдан кейинги давр учун ҳам янги тартиб қабул қилингунга қадар давом эттирилсин.

#### **5. Белгилансинки, 2025 йил 1 июлдан бошлаб:**

электрон тижорат операторлари, электрон тижоратда сотувчи бўлган юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек, электрон тижоратда сотувчи ёки буюртма асосида товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчи ёхуд йўловчиларни енгил автотранспорт воситаларида ташиш фаолиятини амалга оширувчи ўзини ўзи банд қилган шахслар (кейинги ўринларда – ўзини ўзи банд қилган шахслар) электрон тижорат доирасида ҳисоб-китобларни фақат алоҳида **банк ҳисобваракларидан** фойдаланган ҳолда амалга оширади;

ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг электрон тижорат доирасидаги фаолияти натижасида пул маблағлари тарзида олинган даромадлари ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг **банк картаси бириттирилган алоҳида банк ҳисобварагида** ҳисобга олинади;

ўзини ўзи банд қилган шахснинг алоҳида банк ҳисобварагига тушадиган маблағлар суммаси товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан олинган даромадларни аниқлашда ўзини ўзи банд қилган шахсни айланмадан олинадиган солиқни тўловчи сифатида тан олиш учун фойдаланилади.

6. Электрон тижорат соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

а) буюртма асосида товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчи ёки йўловчиларни енгил автотранспорт воситаларида ташиш фаолиятини амалга оширувчи ўзини ўзи банд қилган шахсларга, истисно тариқасида:

товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиси ёки электрон тижорат субъектининг ҳисобварагига маблағларни кейинчалик инкасация учун ҳисобдан чиқариш учун ўзини ўзи банд қилган шахснинг алоҳида банк ҳисобварагига маблағларни олдиндан жойлаштиришга;

етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) учун тўлов сифатида нақд пул қабул қилишга, бунда алоҳида банк ҳисобварагидан товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчисига ўтказилган маблағларга teng микдорда нақд пулни инкасация қилмасдан ўз ихтиёрида қолдиришга рухсат берилсин;

б) электрон савдо платформалари орқали товарларни экспорт қилишда юридик шахсларга, якка тартибдаги тадбиркорларга ва ўзини ўзи банд қилган шахсларга электрон савдо платформалари, хусусан, хорижий электрон савдо платформалари орқали сотилган товарларни куръерлик ва почта жўнатмалари орқали хорижий давлатлардаги ўз харидорларига, шу жумладан, Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида шартномаларни рўйхатдан ўтказмасдан юборишга рухсат берилсин.

Бунда электрон савдо платформалари Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Божхона қўмитаси ахборот тизимлари билан белгиланган тартибда интеграция қилиниши лозим.

7. Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси Агентлик билан биргаликда уч ой муддатда электрон шаклда хизматлар кўрсатаётган, хизматларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлган хорижий юридик шахслар томонидан солиқ тўловлари ва қамровининг тўлиқлигини ўрганишни ташкил этиш ҳамда натижаларига кўра ушбу соҳада самарали назоратни таъминлайдиган механизmlарни жорий этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлиги Агентлик билан биргаликда **2025 йил 1 июлга қадар** хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда, халқаро тажриба асосида электрон тижорат субъектлари учун ҳисобот шаклларини жорий қилсин.

9. Агентлик ушбу қарор талабларидан келиб чиқсан ҳолда уч ой муддатда:  
электрон тижоратда куръерлик хизмати фаолиятини амалга ошириш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси худудида электрон тижоратни амалга ошириш қоидаларини тасдиқлашни назарда тутувчи норматив-хукуқий хужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикасида электрон тижорат соҳасидаги низоларни онлайн тарзда ҳал этиш механизmlарини ишлаб чиқиб, тегишли таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситалари билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти кенг ёритилишини таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А.Қўчқоров ҳамда Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директори Д.Р.Ли зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил 26 декабрдаги 885-сон қарорига  
1-илова

**Электрон тижорат тўғрисидаги қонунчиликка  
кўшимча киритиладиган  
ТУШУНЧАЛАР ВА АТАМАЛАР**

**1. Буюртмалар агрегатори оператори** – хизматлар харидорларига (буюртмачиларга) хизматларни қидириш, туркумлаштириш, тизимлаштириш, танлаш ва солиштириш имкониятини берувчи, буюртмалар агрегаторини оператив бошқарувчи электрон тижорат субъекти.

**2. Рақамли стриминг хизмати оператори** – рақамли стриминг хизматини оператив бошқарувчи, фойдаланувчиларга рақамли маҳсулотга, шу жумладан, реал вақт режимида киришга, реал вақт режимида (онлайн) электрон шартномалар тузиш ва электрон транзакцияларни амалга ошириш имкониятини берувчи электрон тижорат субъекти.

**3. Электрон савдо платформаси оператори** – электрон савдо платформаси ва (ёки) веб-сайт ва (ёки) Интернет тармоғидаги веб-сайт ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг оператив бошқарувчи ва (ёки) фойдаланувчи, сотувчилар ва харидорларга, шу жумладан, ўз номидан электрон шартномалар тузиш ва товарларнинг олди-сотисига қаратилган электрон операцияларни амалга ошириш бўйича хизматлар кўрсатувчи электрон ҳисоблаш машиналари учун дастур эгаси ва (ёки) Интернет тармоғидаги веб-сайт ва (ёки) веб-сайт саҳифаси эгалари бўлган электрон тижорат субъекти.

**4. Буюртмалар агрегатори** – ахборот тизими бўлиб, унинг доирасида қўйидагилар амалга оширилади:

агрегатор платформасидаги хизматларга кириш ва улардан фойдаланиш бўйича аризаларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, назорат қилиш ва уларга ишлов бериш;

электрон шартномалар ва буюртмаларни тузиш ва уларга ишлов бериш;

электрон битимларда иштирок этиш бўйича етказиб берувчилар ва харидорлар (буюртмачилар) томонидан берилган аризаларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, назорат қилиш ва уларга ишлов бериш;

етказиб берувчилар томонидан хизмат (иш) ҳақидаги маълумотларни жойлаштириш ёки ўчириш бўйича аризаларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, назорат қилиш ва уларга ишлов бериш;

хизматлар нархларини эълон қилиш;

харидор (буюртмачи)нинг шахсий кабинети (профили)ни яратиш жараёнӣ;

хизмат кўрсатиш ва сотиб олиш бўйича аризаларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, назорат қилиш ва уларга ишлов бериш;

электрон тўловларни амалга ошириш бўйича аризаларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, назорат қилиш ва уларга ишлов бериш;

маблағларни депонентлаш (эскроу);

агрегатор оператори томонидан күрсатилган хизматлар учун комиссия ундириш;

хизмат қўрсатиш усулини танлаш, шунингдек, хизматнинг ҳолатини кузатиб бориш;

хизматларни қидириш, тоифалаш, тизимлаштириш, танлаш ва солиштириш;

хизмат ҳақидаги маълумотларни янгилаш;

хизматлар, етказиб берувчилар ва (ёки) харидорлар (буортмачилар) бўйича фикрлар ва рейтинглар шакллантириш;

кўрсатилган хизмат сифатини назорат қилиш;

хизмат етказиб берувчи ва харидор (буортмачи) ўртасидаги ўзаро мулоқот;

танловлар ва аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш;

амалга оширилган электрон битимлар бўйича статистика маълумотлари, хисобот ҳужжатларини тайёрлаш;

электрон битимларни амалга ошириш ва бажариш учун зарур бўлган маълумотларни сақлаш, ошкор қилиш ва уларга ишлов бериш;

хизматлар агрегатори билан боғлиқ бошқа функциялар.

**5. Рақамли стриминг хизмати** – ахборот тизими бўлиб, унинг доирасида қуйидагилар амалга оширилади:

рақамли стриминг хизмати платформасида рақамли маҳсулотдан фойдаланишни таъминлаш учун аризаларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва мониторинг қилиш;

платформада рақамли маҳсулотни ва (ёки) рақамли маҳсулот ҳақидаги маълумотларни жойлаштириш ёки олиб ташлаш учун аризаларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва назорат қилиш;

фойдаланувчига тақдим этилаётган рақамли маҳсулот хизматлари нархларини эълон қилиш;

рақамли маҳсулот билан электрон битмларда иштирок этиш учун рақамли маҳсулот етказиб берувчилар ва фойдаланувчилардан аризаларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва мониторинг қилиш;

электрон шартномалар ва буортмаларни тузиш ва қайта ишлаш;

рақамли стриминг хизмати платформасида онлайн-стриминг (товарлар (хизматлар), рақамли маҳсулотлар рекламаси), танловлар ва аукционлар ўтказиш;

етказиб берувчи ва рақамли маҳсулотдан фойдаланувчи ўртасида электрон тўловларни амалга ошириш учун аризаларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва назорат қилиш;

рақамли маҳсулот учун интеллектуал мулк обьектларини, хусусан муаллифлик ҳуқуқлари, товар белгилари ва муаллифлик ҳуқуқи эгаларининг патентлариiga қўйиладиган талабларга риоя этилишини мониторинг ва ҳимоя қилиш;

рақамли контентни юклаб олиш имкониятини бериш (агар бундай хизмат кўрсатилса);

электрон шартномаларни тузиш ва қайта ишлаш, шу жумладан, электрон тўловларни амалга ошириш, маблағларни киритиш ва электрон операциялар учун электрон квитанцияни тақдим этиш бўйича кейинги операцияларни амалга ошириш учун фойдаланувчини учинчи томон платформасига йўналтириш;

рақамли стриминг оператори томонидан кўрсатилган хизматлар учун комиссия ундириш;

фойдаланувчининг шахсий кабинетини (профилини) яратиш;

фойдаланувчининг депозитини рақамли стриминг хизмати платформасидаги маблағлар билан тўлдириш;

рақамли маҳсулотдан фойдаланиш имкониятини (чекланган, чекланмаган) таъминлаш усулини танлаш;

рақамли маҳсулотни қидириш, туркумлаштириш, тизимлаштириш, танлаш ва таққослаш;

рақамли маҳсулот ҳақидаги маълумотларни янгилаш;

рақамли маҳсулот, провайдер ва (ёки) рақамли контент фойдаланувчиси учун шарҳлар ва рейтингларни яратиш;

тақдим этилган рақамли маҳсулот ва рақамли стриминг хизматлари сифатини назорат қилиш;

рақамли маҳсулот провайдери ва фойдаланувчи ўртасидаги ўзаро алоқа;

статистика маълумотларини, якунланган электрон операциялар бўйича ҳисобот ҳужжатларини тайёрлаш.

**6. Электрон савдо платформаси –** Интернет жаҳон ахборот ва телекоммуникация тармоғидан фойдаланган ҳолда, қўйидагиларни таъминлайдиган дастурий аппарат мажмуаси ёки ахборот-телекоммуникация тизими:

сотувчи томонидан истеъмолчини таништириш учун электрон тижорат товарларини сотиш бўйича таклифлар жойлаштириш, электрон тижорат товарларини реклама қилиш, олди-сотди шартномаси ёки бошқа шартномалар тузиш, электрон тўловларни амалга ошириш, тижорат товарларини истеъмолчига етказиб беришни ташкил этиш ҳисобидан товарни истеъмолчига масофадан сотиш имконияти;

электрон савдо платформасида товарлардан фойдаланиш имкониятини олиш учун аризаларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва мониторинг қилиш;

электрон шартномалар ва буюртмаларни тузиш ва қайта ишлаш;

электрон битимларда иштирок этиш учун сотувчилар ва харидорларнинг аризаларини қабул қилиш, рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва мониторинг қилиш;

сотувчилар томонидан маҳсулот ва (ёки) рақамли маҳсулот тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш ёки олиб ташлаш учун аризаларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва мониторинг қилиш;

товарлар ва (ёки) рақамли маҳсулотлар нархларини эълон қилиш;

сотувчи ва харидор учун шахсий кабинет (профил) яратиш;

товарларни сотиш, сотиб олиш, сақлаш, ўтказиш, етказиб бериш ва (ёки) рақамли маҳсулотни рақамли дистрибуция қилиш учун аризаларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва мониторинг қилиш, шу жумладан, ўз номидан;

товарларни етказиб бериш ва сақлаш;

сотувчилар ва харидорлар ўртасида электрон тўловларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва назорат қилиш;

товар ҳаридорга етказиб берилгандан сўнг маблағларни сотувчига ўтказиб бериш йўли билан маблағларни депонентлаш (эскроу);

электрон савдо платформаси оператори томонидан кўрсатилган хизматлар учун комиссия ундириш;

товарларни рақамли маркировкалаш ва тақсимлаш;

товарларни қабул қилиш ва (ёки) рақамли маҳсулотни рақамли дистрибуция қилиш усулини танлаш, шунингдек, етказиб бериш хизмати мавжуд бўлган ҳолларда, товарлар ва (ёки) рақамли маҳсулотларни етказиб бериш ҳолатини кузатиш;

товарлар, рақамли маҳсулотлар, сотувчилар ва (ёки) харидорлар учун шарҳлар ва рейтингларни яратиш;

товарлар ва (ёки) рақамли маҳсулотлар сифатини назорат қилиш;

сотувчи ва харидор ўртасидаги ўзаро муносабатлар;

электрон танловлар ва аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш;

амалга оширилган электрон операциялар бўйича статистика маълумотларини, ҳисобот ҳужжатларини тайёрлаш;

электрон битмларни амалга ошириш ва бунинг учун зарур бўлган маълумотларни сақлаш, қайта ишлаш ва ошкор қилиш;

электрон савдо платформаси билан боғлиқ бошқа функциялар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил 26 декабрдаги 885-сон қарорига  
2-илова

**Электрон тижорат субъектларининг фаолиятини  
хабардор қилиш тартибида амалга ошириш учун  
ТАЛАБЛАР ВА ШАРТЛАР**

Электрон тижорат субъектларининг фаолиятини хабардор қилиш тартибида амалга ошириш учун қуидаги талаблар ва шартларга риоя қилиниши лозим:

Ўзбекистон Республикаси юридик шахси шаклида давлат рўйхатидан ўтиш;

Ўзбекистон Республикасининг электрон тижорат, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, реклама соҳасидаги қонунчилик ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этиш;

ваколатли органнинг сўровига мувофиқ электрон тижорат субъектларининг фаолиятига оид маълумотларни бепул тақдим этиш;

Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари талабларига риоя қилиш;

электрон тижорат иштирокчиларига хизматлар кўрсатиш учун зарур даражада ишлаши таъминланган ахборот тизимининг мавжудлиги;

фаолият бошланиши ҳақидаги хабарнома маълумотларининг ҳаққонийлигини таъминлаш;

ходимлар билан янги меҳнат шартномалари тузиш, шартномаларга ўзгартиришлар киритиш ва уларни бекор қилиш ҳолатларини, шунингдек, амалдаги меҳнат шартномалари тўғрисидаги маълумотларни “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексида мажбурий рўйхатга олиш – агар ходимлар учун тегишли фаолиятни (ҳаракатларни) амалга ошириш учун бундай талаб мавжуд бўлса;

хабардор қилувчининг номи, жойлашган жойи (яаш манзили) ўзгарганлиги ёки филиал ва ваколатхона очилганлиги тўғрисида рўйхатга олингандан кейин ўн иш куни ичida ваколатли органни хабардор қилиш;

хабардор қилиш тартибига мувофиқ амалга ошириладиган фаолият (харакат) турининг ўзига хос хўсусиятларини ҳисобга олган ҳолда бошқа талаблар ва шартлар.

